

38 ёшда Европада профессор бўлган ўзбек тилшуноси

Улуғ немис адиби Гёте айтади: “Кимки бошқа тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди”. Ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз нафақат бир қанча хорижий тилларни ўрганди, дунё ёшларига ҳам ўзбек тилини ўргатиш бўйича эзгу ташаббус кўрсатди. Бугун унинг муаллифлигида тайёрланган 200 бетлик ўзбек тили дарслиги, ўзбек тилини ўрганаётган корейс талабалари учун ягона қўлланма.

“Буюк Келажак” экспертлари гуруҳи вакили, Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университети профессори, амалий тилшунослик фани доктори Азамат Акбаров 1977 йил Самарқанд шаҳрида таваллуд топган.

1999 йили Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «инглиз филологияси» факультети имтиёзли диплом билан тугатган. 2001 йили эса ушбу олийгоҳнинг инглиз тили ва адабиёти йўналиши бўйича магистратурани тугатган. 2003 йили Швециянинг Даларна университетиде сиёсатшунослик йўналиши бўйича иккинчи магистр илмий даражасини қўлга киритган. 2009 йили Жанубий Кореяда инглиз тилшунослиги йўналишида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1999-2001 йилларида Самарқанд давлат чет тиллар институтида фаолият юритган. 2004-2006 йилларида Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университетиде Ўрта Осиё тадқиқотлари факультетиде ўзбек тили, тарихи, маданияти йўналишида дарс берди.

Нақшбандий тариқатида яхши бир насиҳат бор: “Аждодларинг билан мақтанма”, бу ҳикмат замирида уларга муносиб бўлишга туртки, ундов бор. Бу ундов Азамат Акбаровнинг қулоғи остида ҳамиша жаранглаб туради. Ўқиш жараёнларида ҳам, ундан кейинги фаолиятида ҳам.

Ана шу доимий изланишлар унинг ҳаёт йўлларида турли муваффақиятлар қатори синовлар билан ҳам сийлади. Аммо ҳеч бир шароит уни ўз мақсадлари сари интилишдан тўхтата олмади:

« Инсон таълим олиш жараёнида ва ижтимоий ҳаётида юзлаб тўсиқларга учраб қоқилади ва йиқилади. Шундай бўлса-да, ҳаётнинг ушбу икки жабҳасидаги ҳолатларни битта муаммо деб қарамасликка ҳаракат қилиш жуда муҳим. Хатога йўл қўйишимиз табиий ва ҳиссиётлар ва ақл орасида мувозанатга эришиш учун вақт ва сабр кераклиги сабабли баъзан хатоларимизни дарҳол тузата олмаймиз. Бундай ҳолатларда инсон ўз эътиқоди ва ўзига бўлган ишончини, хусусан, кўп йиллар давомида аста-секинлик

билан эришган режа ва орзуларнинг ушалганлиги хиссини йўқотмаслиги лозим! Булар Худо берган ҳар куни ўзингиздан ғурурланишингиз учун атига бир неча сабаблар холос! Нью Йорк шаҳрида 1989 йилда туғилган Алия Сабур материлшунос олима. У 18 ёшида бундан 300 йил олдин ўрнатилган рекордни бекор қилган дунёдаги энг ёш профессор мавқеига эришган рекорд соҳибаси ҳисобланади. Олдинги рекорд соҳиби эса 1717 йилда Абердин Университети томонидан математика фанидан профессорликка тайинланган буюк Исаак Ньютоннинг шогирди Колин Маклорин бўлган. Бу факт инсоннинг барча оғир меҳнати саъй-ҳаракатлари ўз иқтидор ва ақлий қобилятарингиз даражасига эришишга ёрдам беришини намойиш этади. Мен ҳам кўп натижаларга эришдим, аммо мен учун энг муҳими, доцентлик ва профессорлик унвонларини чет мамлакатда олган энг ёш ўзбекистонлик олимлардан бўлганлигимдир. 38 ёшимда, менга тўла профессорлик унвони берилди, ва бу Ўзбекистон таълим муваффақиятининг яхши кўрсаткичидир. Мен 14та докторлик диссертацияси ва 40та магистрлик ишларига илмий раҳбарлик қилдим. Бу каби ютуқларимдан фахрланаман», -мана шу таскин унга ҳамиша мадад, куч бўлиб келган.

2009 йилдан 2016 йилгача Босния ва Герцеговина пойтахти Сараево шаҳридаги халқаро Бурч университетида “Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси мудир, Педагогика факультети декани, ва ушбу университетнинг (2012-2016) илмий ишлар ва халқаро муносабатлар бўйича проректори лавозимида фаолият юритди. 2016 йилдан 2018 йилгача Ал Фаробий номидаги Қозоқ миллий университети умумий тилшунослик ва европа тиллари кафедраси профессори лавозимида ишлаб келди. 2018 йил сентябрдан бошлаб эса Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университетида шарқшунослик факультети профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу билан, Азамат Акбаров фаолияти давомида халқаро андозаларга мос лойиҳалари билан дунё тилшуносларининг диққат-эътиборини жалб этди. 2014-2016 йиллари халқаро амалий тилшунослар ассоциясининг вице-президенти, 2014-2016 йиллари Босния ва Герцеговина амалий тилшунослар ассоциясининг президенти, 2016-2018 йиллари Қозоғистон амалий тилшунослар ассоциясининг президенти сифатида фаолият юритди.

Сўнги 20 йил давомида 70 дан ортиқ давлатда ўтказилган илмий конференция, симпозиум ва семинарларда қатнашиб, 180 дан ортиқ мақола, 30 та китоб нашр қилди, 15 та лойиҳа устида ишлади. 10 дан ортиқ халқаро тилшунослик (амалий, когнитив) ва таржимонлик ассоциацияси аъзоси. Ҳозирги кунгача 40 та магистр ва 14 та докторантга илмий раҳбарлик қилди.

Аҳамиятлиси, Азамат Акбаров қаерда бўлмасин ўз она ватани тақдирига, ундаги ислохотлар жараёнига дахлдор эканини ёдидан чиқармади. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини яхшилаш жараёнида иштирок этишни ўз фарзандли бурчи деб билди. Ижтимоий ахборот тармоқларидан бири бўлган Дарё.уз колумнисти сифатида доимий

равишда ўзгаришларга муносабатини билдириб борди. Хусусан, унинг «XXI асрда ўзбек халқининг янги тимсолини дунёга қандай тақдим этиш мумкин», «Дипломнинг мавжудлиги ишга жойлашишни кафолатламаслиги керак», «Таълим мамлакатни ўзгартириш керак», «Тил миллат кўзгуси» каби таҳлилий мақолалари ўқувчилар эътирофига сазовор бўлди.

Айни кунларда у “Хорижий тилларни ўргатиш ва амалий тилшунослик” <http://jftal.org/> халқаро илмий-назарий журнали бош муҳаррири, 2011 йилдан бугунгача 9 марта ташкиллаштирилган “Хорижий тилларни ўқитиш ва амалий тилшунослик” халқаро конференциясининг ташкилий қўмитаси раиси ҳамдир.

Мазкур конференция бу йил илк мартаба Ўзбекистонда ташкил этилди. 2-3 Май кунлари И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида чет тилларни ўқитиш ва амалий тилшунослик соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тўққизинчи халқаро анжуман мавзуси «Кўптилли шахснинг ижодий истиқболлари: кўптиллилиқ омилининг чет тилини ўрганиш жараёнига таъсири». Унда икки кун давомида чет тилларни ўқитиш ва амалий тилшуносликнинг долзарблиги, таржима муаммолари, кўптиллилиқнинг муҳим омиллари каби масалалар таҳлил этилди.

“FLTAL-2019” ишида бу гал 35 мамлакатдан тил ва маданиятлараро таълим ва тилшунослик соҳасида эксперт бўлган жами 300 нафардан ортиқ етакчи мутахассис иштирок этди.

Халқаро анжуман қамрови анча юқори, буни унда ташкил этилган 16 йўналиш бўйича 58 семинар, 20 намунали дарслар ва “OXFORD UNIVERSITY PRESS” нашриётининг китоблари кўргазма-савдоси ҳам акс эттирди.

Азамат Акбаровнинг таъкидлашича, халқаро анжуманнинг мамлакатимизда ташкил этилиши дунё ҳамжамияти олдида ўз нуфузини эгаллаб бораётган Ўзбекистондаги ислохотлар билан боғлиқдир.